**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

_______________А.Умаров

202___ йил “___”___________

**“КЕЛИШИЛДИ”**
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
______________________

202___ йил “_____”__________

Рўйхатга олинди: № БД-5111100 – 2.03
202__ йил “___”____

# МУСИҚА НАЗАРИЯСИ

# ФАН ДАСТУРИ

| | |
|---|---|
| **Билим соҳаси:** | 100000 – Гуманитар |
| **Таълим соҳаси:** | 110000 – Педагогика |
| **Таълим йўналиши:** | 5111100 – Мусиқа таълими |

Лойиҳа

| **Фан/модуль коди**<br>MusNM20018 | **Ўқув йили**<br>2020-2021 | **Семестр**<br>1-2-3 | **ECTS - Кредитлар**<br>16 | |
|---|---|---|---|---|
| **Фан/модуль тури**<br>Мажбурий | **Таълим тили**<br>Ўзбек | | **Ҳафтадаги дарс соатлари**<br>6-6-4 | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **1.** | **Фаннинг номи** | **Аудитория машғулотлари (соат)** | **Мустақил таълим (соат)** | **Жами юклама (соат)** |
| | **Мусиқа назарияси** | 240 | 240 | 480 |

**2.** **I. Фаннинг мазмуни**

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларда мусиқий ифодалиликка нисбатан онгли тафаккурни тарбиялаш ва уни идрок этиш қобилятини ҳосил қилиш; талабаларнинг мусиқий дунёқарашини, идрокини шакллантириш ва ривожлантириш, мусиқий-эстетик дидини тўғри йўналтириш ва бойитиш, ижодий қобилиятларини ўстириш; талабаларни мусиқа ўқитувчиси сифатида амалий фаолиятга тайёрлашдан иборат.

Фаннинг вазифаси – талабаларга мусиқий ифодалиликнинг асосий воситаларини тушуниб етишишларида чуқур билимлар бериш ҳамда мусиқий-техник кўникмаларни ўргатиш;

- композиторлик ижодининг аҳамиятли масалалари ва асосий муаммолари билан яқиндан таништириш ҳамда мусиқа тизими ва унда муҳим ўрин эгаллаган гармония ҳақида аниқ тушунчалар бериш;
- мусиқий асар шаклининг тузилишидаги асосий қонуниятлари, муҳим мусиқа элементлари, мусиқий ривожланиш принциплари, шаклдаги қисмлар функцияси билан талабаларни таништириш ва турли хил мусиқий шаклларни таҳлил қилиш малакаларини шакллантириш
- талабаларнинг мусиқий фикрлаш, мусиқий эшитиш, соф интонацияни хис эта олиш қобилиятларини ва мусиқий хотирасини шакллантириш, уларда лад, ритм, темп ва услуб туйғусини тарбиялаш ҳамда ўзлаштирган билимларини амалиётда қўллай олишга ўргатишдир.

**II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)**

**II.I. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради:**

**“*Мусиқа элементлари назарияси*” курси**

**1-мавзу. Мусиқий тизим.**

Мусиқа санъати ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Мусиқанинг асосий ифодали воситалари. Мусиқий товуш ва унинг хусусиятлари. Мусиқий тизим товушқатори, обертон (юқори тон), табиий товушқатор.

Октава. Темперацияланган соз. Ярим тон ва бутун тон. Асосий ва ҳосила поғоналар. Алтерация белгилари. Диатоник ҳамда хроматик ярим тонлар ва бутун тонлар. Диапазон, регистр, товушлар энгормонизми. Товушлар белгилаш ҳарфий тизими.

**2-мавзу. Нота ёзуви тизими.**

Нота йўли. Нота белгиси. Калитлар. Товуш чўзимлари. Чўзим узайтирувчи белгилар. Паузалар. Кўп овозликни нота йўлида ёзиш қоидалари. Акколада, партитура. Динамик белгилар. Нота ёзувини қисқартириш белгилари.

**3-мавзу. Ритм. Оддий метр.**

Ритм тушунчаси. Чўзимларнинг асосий ва эркин бўлиниши. Метр, ҳисса, такт тушунчалари. Оддий метр ва ўлчовлар. Нота чўзимларининг оддий тактларда туркумланиши.

**4-мавзу. Мураккаб метр. Темп.**

Мураккаб метр ва ўлчовлар. Аралаш метр ва ўлчовлар, Ўзгарувчан ўлчовлар. Нота чўзимларининг мураккаб ва аралаш тактларда туркумланиши. Синкопа ва унинг турлари. Вокал мусиқасида нота чўзимларини туркумлаш. Темп ва унинг турлари.

**5-мавзу. Лад. Мажор лади ва тоналликлари.**

Лад тушунчаси. Мажор лади тузилиши. Товушқатор, гамма. Турғун ва нотурғун поғоналар. Асосий ва ёндош поғоналар (лад поғоналари функциялари). Тоналлик тушунчаси. Мажор тоналликлари квинта давраси. Гармоник ва мелодик мажор.

**6-мавзу. Минор ладива тоналликлари. Параллел, номдош, энгармоник тенг тоналликлар. Халқ мусиқаси ладлари.**

Минор лади тузилиши. Минор тоналликлари квинта давраси. Гармоник ва мелодик минор. Параллел, номдош, энгармоник тенг тоналликлар таърифлари. Халқ мусиқаси ладлари.

**7- мавзу. Интерваллар**

Интервал тушунчаси. Гармоник ва мелодик интервал. Интервалнинг сон ва сифат миқдорлари. Оддий ва таркибли интерваллар. Консонанс ва диссонанс интерваллар. Интерваллар айланиши.

**8- мавзу. Хроматик (орттирилган ва камайтирилган) интерваллар. Интерваллар энгармонизми.**

Орттирилган ва камайтирилган интерваллар ҳосил қилиш. Интерваллар энгармоник тенглиги.

**9-мавзу. Интерваллар мажор ва минор тоналликларида.**

Табиий мажор ва минор интерваллари. Турғун ва нотурғун

Лойиха

интерваллар. Интерваллар ечилиши.

**10-мавзу. Гармоник мажор ва минор интерваллари. Хроматик интерваллар ечилиши**

Гармоник мажор ва минор интерваллари – характерли интерваллар. Хроматик интерваллар ладда ечилиши.

**11-мавзу. Аккорд. Учтовушлик ва унинг турлари.**

Аккорд тушунчаси. Аккорд турлари. Учтовушлик тушунчаси. Учтовушлик турлари ва айланмалари. Ладнинг асосий ва ёндош учтовушликлари.

**12-мавзу. Септаккорд ва унинг турлари. Доминантсептаккорд.**

Септаккорд тушунчаси ва унинг турлари. Доминантсептаккорд, унинг тузилиши, айланмалари ва ечилиши.

**13-мавзу. Етакчи септаккорд. Субдоминантсептаккорд.**

Етакчи септаккорд тушунчаси, унинг турлари, тузилиши, айланмалари ва ечилиши. Субдоминантсептаккорд тушунчаси, унинг турлари, тузилиши, айланмалари ва ечилиши.

**14-мавзу. Тоналликлар поғонадошлиги. Альтерация ва хроматизм. Модуляция ва оғишма. Транспозиция**.

Тоналликлар поғонадошлиги ҳақида тушунча. Альтерация ва хроматизм. Хроматик гамма тузилиши. Модуляция ва оғишма. Асар тоналлигини аниқлаш. Транспозиция.

**15-мавзу. Куй синтаксиси. Мусиқа безаклари ва ижрочилик услублари.**

Мусиқа асарида куйнинг аҳамияти. Куй ҳаракати турлари. Куй тузилиши ва таркибий қисмлари ҳақида. Мусиқадаги куй безаклари. Ижрочилик услубларининг ёзма белгилари.

**«*Гармония*» курси**

**1-мавзу. Гармониянинг мусиқадаги аҳамияти. Тўрт овозли тузилма.**

Мусиқий асар ривожланишида гармониянинг шакллантирувчи, бириктирувчи, тартибга солувчи хусусияти. Гармониянинг мусиқа ифодали воситалари билан ўзаро боғлиқлиги. Ноаккордли товушлар. Лад фунциялари тизими. Учтовушликнинг тўрт овозли тузилмада тузилиши. Овоз йўналиши турлари.

**2- мавзу. Асосий учтовушликларнинг қўшилиши. Куйни асосий учтовушликлар билан гармониялаш**

Асосий учтовушликларнинг гармоник ва мелодик қўшилиш турлари. Куйни гармониялаш тартиби.

Лойиҳа

**3- мавзу. Аккорднинг ўрин алмашуви. Басни гармониялаш.**

Аккорд ўрин алмашувининг турлари ва улардан фойдаланиш. Бас овозини гармониялаш тартиби. Терция сакрашлари.

**4- мавзу. Каденсия. Даврия. Жумла. Каданс квартсекстаккорд.**

Даврия, жумла, каденсия тушунчалари. Каденция турлари. Каданс квартсекстаккорд тузилиши, функционал хусусияти ва қўлланилиши.

**5-мавзу. Асосий учтовушликлар секстаккордлари, уларнинг қўшилиши ва икки секстаккорд қўшилиши.**

Секстаккорднинг тўрт овозликда жойлашув турлари, қўлланилиши, учтовушлик билан қўшилиши ва ундаги сакрашлар. иКки секстаккорд қўшилиши.

**6-мавзу. Квартсекстаккордлар**

Асосий учтовушликлар квартсекстаккордлари тўрт овозликда тузилиши, турлари, тузим орасида ва каденцияларда қўлланилиши.

**7- мавзу. Доминантсептаккорд**

Доминантсептаккорд тўрт овозликда тузилиши, тоникага ечилиши, тузимда қўлланилиши. Доминантсептаккорднинг айланмалари, уларнинг тўрт овозликда жойлашуви, ечилиши, қўлланилиши. Доминантсептаккорд ва айланмаларининг тоникага ечилишидаги сакрашлар.

**8-мавзу. II поғона учтовушлиги ва секстаккорди (SII6). VI погона учтовушлиги (TSVI)**

Мажор ва гармоник минорнинг ёндош учтовушликлари, уларнинг функционал хусусиятлари. II поғона учтовушлиги ва секстаккорди тўрт овозликда тузилиши, бошқа аккордлар билан қўшилиши. Гармоник мажорда минорли субдоминанта аккордлари қўлланилиши. VI поғона учтовушлиги тузим орасида – бўлинган давра, ва бўлинган каденцияда қўлланилиши.

**9-мавзу. Субдоминантсептаккорд (SII7)**

Субдоминантсептаккорд ва айланмаларининг тўрт овозликда тузилиши, тоникага ечилиши, бошқа аккордлар билан қўшилиши, тузимда қўлланилиши.

**10-мавзу. Етакчи септаккордлар (DVII7)**

Етакчи септаккордлар турлари ва уларнинг айланмалари тўрт овозликдаги тузилиши, тоникага ечилиши, бошқа аккордлар билан қўшилиши, тузимда қўлланилиши.

**11-мавзу. Доминанта гуруҳининг кам қўлланиладиган аккордлари.**

Доминантнонаккорд, VII поғона секстаккорди, III поғона учтовушлиги, секстали доминанта каби аккордларнинг тўрт овозликда тузилиши, бошқа аккордлар билан қўшилиши, тузимда қўлланилиши.

**12-мавзу. Фригий давра. Диатоник секвенциялар**

Сопрано ва бас овозлардаги фригия даврасини гармониялаш вариантлари. Гармоник секвенция ва ундаги функциялар нисбатлари. Учтовушлик ва септаккордлардан тузилган секвенциялар.

**13-мавзу. Қўшдоминанта**

Қўшдоминанта аккордларининг тўрт овозликдаги тузилиши, бошқа аккордлар билан қўшилиши, каденция ва тузим орасида қўлланилиши. Қўшдоминанта аккордларининг алтерацияси.

**14-мавзу. Тоналликларнинг ўзаро нисбат турлари. Оғишма.**

Тоналликлар нисбатлари турлари – таққослама, оғишма, модуляция. Оғишма, унинг воситалари, амалга оширилиши.

**15-мавзу. Модуляция.**

Тоналликлар ўхшашлиги даражалари. Биринчи даражалари ўхшаш тоналликлар. Умумий, воситачи, модуляцияловчи аккордлар. Доминанта гуруҳи тоналликларига модуляция. Субдоминанта гуруҳи тоналликларига модуляция.

**“*Мусиқа асарлари таҳлили*” курси**

**1-мавзу. Мусиқа шакли ва унинг энг муҳим умумий асослари.**

Мусиқа асарларининг тузилиши – шакли. Шаклнинг барча санʼат асарларига хослиги. Идрок қилиш қонуниятлари. Асар драматургияси. Шаклнинг қисмларга бўлиниши. Сезура, унинг белгилари. Мусиқанинг асосий элементлари – куй, гармония, ритм (тузилиши). Ҳар бир элементнинг ўзига хос ҳусусияти. Шаклда қисмлар функтсияси: мавзу баёни, боғловчи қисм, ўрта қисми, реприза, муқаддима, кода. Куйни ривожлантириш принтсиплари.

**2-мавзу. Даврия ва унинг турлари. Бир қисмли ва ривожланган бир қисмли шакл.**

Оддий тузилишдаги даврия. Даврянинг таркибий қисмлари. Жумла. Ибора. Мотив. Такрорий жумладан иборoат даврия. Унинг гармонияси. Даврия белгилари, таърифи. Даврия турлари. Бир тоналлик даврия, унинг гармонияси. Модулятсион даврия. Икки ва уч жумлали даврия. Яхлит даврия (жумлаларга бўлинмайдиган даврия). Харф билан белгиланиши. Квадрат ва ноквадрат тузилишидаги даврия.

Лойиҳа

**3-мавзу. Оддий икки қисмли шакл. Ривожланган икки қисмли шакл.**

Оддий икки қисмли шаклнинг келиб чиқиши, қисмларнинг шаклдаги функтсияси. Икки давриянинг ўзаро бог`лиқлиги. Гармония жихатдан яхлитлик. Асосий тоналликни кўрсатилиши. Шаклнинг харфий ифодаланиши: А-В. Биринчи давриянинг тузилиши. Иккинчи даврияннинг тузилиши. Репризали ва репризасиз икки қисмли шакл.

**4-мавзу. Оддий уч қисмли шакл.**

Оддий уч қисмли шаклга та’рифи, асосий белгилари, уч давриядан иборатлиги: ўрта қисми ва репризаси мавжудлиги. Гармоник нотурғунлиги, структура жиҳатидан нисбий эркинлиги. Мавзу жихатидан тарорланиши. Статик ва динамик реприза. Қисмларнинг такрорланиши. Уч-беш қисмли шакл.

**5-мавзу. Мураккаб уч қисмли шакл.**

Мураккаб уч қисмли шаклга таъриф. Иккинчи қисми – трио, лавҳа. Шакл қисмларининг мустақиллиги. Учинчи қисм – реприза. ***Da capo*** белгиси. Мураккаб уч қисмли шаклнинг муқаддима ва кода қисмлари.

**6-мавзу. Вариацион шакл. Рондо шакли.**

Вариациялар турлари. Бассо остинато, сопрано остинато турдаги вариациялар. Қатъий ва экин вариациялар. Қўшалоқ вариациялар.

Рондо шакли турлари – эскича рондо, классик ва XIX аср рондо шакллари. Рондо шаклидаги рефрен ва лавҳалар.

**7-мавзу. Соната шакли.**

Соната шакли турлари. Классик соната шаклининг тузилиши. Экспозициянинг таркибий қисмлари, уларнинг вазифалари, тузилиши, тоналликлари нисбатлари. Ривожлов ва реприза қисмлари. Кода ва муққаддима. Соната шакли драматургияси.

**8-мавзу. Туркумли (циклли) шакллар. Эркин шакллар. Опера.**

Сюита. Партита. Попурри. Соната цикли. Трио, квартет. Концерт. Симфония. Уларнинг тузилиши ва қисмлар ўртасидаги алоқалар. Эркин шакллар – фантазия, рапсодия, баллада, поэма.

Мусиқий декламция турлари. Опера турлари. Речитатив, ария, ариетта, саҳна, каватина. Ансамбллар – дуэт, трио ва ҳ.к. хорлар. Операдаги чолғу мусиқа. Лейтмотив. Мусиқий драма. Оратория, кантата.

**III. Амалий машғулотлари буйича кўрсатма ва тавсиялар**

***((Лаборатория ишлари), (Семинар машғулотлари), (Курс иши), (Мустақил таълим)*** *ўқув режада кўрсатилган тури (номи) бўйича*

*ёзилади)*

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

"***Мусиқа элементлари назарияси***" курси

1. Мусиқий тизим элементлари. Нота ёзуви элементлари. Нота чўзимлари ва уларни узайтирувчи қўшимча белгилар. Калитлар. Паузалар. Кўп овозлик нота ёзувида. Нота ёзувини қисқартириш белгилари
2. Нота чўзимларнинг асосий ва эркин равишда бўлиниши. Оддий тактларда нота чўзимларининг туркумланиши. Мураккаб тактларда нота чўзимларининг туркумланиши. Синкопа. Вокал мусиқасида нота чўзимларини туркумлаш.
3. Лад (мажор ва минор лади). Тоналликлар квинта доираси. Мажор ва минорнинг гармоник ва мелодик турлари.
4. Параллел, номдош, энгармоник тенг тоналликлар. Халқ мусиқаси ладлари.
5. Оддий ва таркибли интерваллар. Интерваллар айланиши. Хроматик интерваллар. Интерваллар энгармоник тенглиги
6. Табиий мажор ва минор интерваллари ва уларнинг ечилиши
7. Характерли интерваллар ва уларнинг ечилиши. Хроматик интерваллар ечилиши.
8. Учтовушлик, унинг турлари, айланмалари ва ечилиши. Мажор ва минорнинг асосий ва ёндош учтовушликлари, уларнинг айланмалари ва ечлиши.
9. Доминантсептаккорд, унинг айланмалари ва ечилиши
10. Етакчи септаккорд, унинг айланмалари ва ечилиши. Иккинчи поғона септаккорди, унинг айланмалари ва ечилиши
11. Хроматик гамма.
12. Куй тузилиши таҳлили. Мусиқа безаклари ва ижрочиликнинг ўзига хос услублари.

"***Гармония***" курси

1. Тўрт овозли тузилма. Овоз йўналиши. Аккордларнинг гармоник ва мелодик қўшилиши.
2. Куйни гармониялашга мисоллар ечиш. Аккорднинг ўрин алмашуви қўлланилиши.
3. Басни гармониялашга мисоллар ечиш. Терция сакрашлари. Каданс квартсекстаккорди қўлланилиши
4. Учтовушликларнинг секстаккордлар билан қўшилиши. Икки секстаккорднинг қўшилиши.

5. Ўткинчи ва ёрдамчи квартсекстаккордлар.
6. Асосий доминантсептаккорд қўлланилиши. Доминантсептаккорд айланмаларининг қўлланилиши.
7. II поғона учтовушлиги ва секстаккордининг қўлланилиши. II поғона аккордлари гармоник мажорда қўлланилиши.
8. Бўлинган давра ва бўлинган каденция
9. Субдоминантсептаккорд ечилишлари
10. Етакчи септаккордлар ечилиши
11. Қўшдоминанта каденция ва тузилма ўртасида қўлланилиши. Алтерацияланган қўшдоминанта қўлланилиши.
12. Доминанта ва субдоминанта аккордалари орқали оғишмалар бажариш
13. Доминанта ва субдоминанта тоналликларига модуляция қилиш

"***Мусиқа асрлари таҳлили***» курси

1. Даврия турлари – бир қисмли ва ривожланган бир қисмли шаклдаги асарларни таҳлил қилиш.
2. Оддий икки қисмли шакл – репризасиз ва рапризали шаклдаги асарларни таҳлил қилиш. Ривожланган икки қисмли шаклдаги асарларни таҳлил қилиш.
3. Оддий уч қисмли шакл турлари – ўрта қисми бир мавзули ёки контрастли бўладиган асарларни таҳлил қилиш. Мураккаб уч қисмли шаклдаги асарларни таҳлил қилиш.
4. Вариацион шаклнинг турлари – классик, романтик, қўшалоқ, бас-остинато, сопрано-остинато шаклдаги асарларни таҳлил қилиш.
5. Рондо шакли – эскича, классик, романтик рондо турларидаги асарларни таҳлил қилиш.
6. Соната шаклдаги асарларни таҳлил қилиш.
7. Циклли шакллар – сюита, соната, симфония, попурри асарларни таҳлил қилиш. Опералар таҳлили.

Амалий машғулотлар мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулотлар фаол ва интерфактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

**Лаборатория машғулотлари буйича кўрсатма ва тавсиялар**

Лаборатория машғулотлари учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

"***Солфеджио***" курси

1. Солфеджио курси иш шакллари – интонацион машқлар куйлаш,

солфеджиолаш, нотаниш нотали матнни ўқиб куйлаш, тинглаб аниқлаш, мусиқий диктант ёзиш.

2. Мажор ладида ишлаш
3. Минор ладида ишлаш
4. Параллел ва номдош тоналликларда ишлаш
5. Транспозитсия қилиб куйлаш
6. Оддий ва таркибли интерваллар товушдан ва тоналликларда тузиб, ечилишлари билан куйлаш
7. Характерли интервалар товушдан ва тоналликларда тузиб, ечилишлари билан куйлаш
8. Хроматик интерваллар тоналликларда тузиб, ечилишлари билан куйлаш
9. Диатоник секвенсиялар тузиб куйлаш
10. Учтовшликлар ва уларнинг айланмалари товушдан тузиб куйлаш
11. Ладанинг асосий учтовшликлари ва уларнинг айланмалари товушдан ва тоналликларда тузиб, ечилишлари билан куйлаш
12. Ладнинг асосий септаккордлари ва уларнинг айланмалари товушдан ва тоналликларда тузиб, ечилишлари билан куйлаш (Доминантсептаккорд, Субдоминантсептаккорд, Етакчи септаккордлар)
13. Бир овозли куйлар устида ишлаш
14. Икки овозли мисоллар устида ишлаш
15. Диктант ёзиш (мелодик бир, икки овозли диктант, гармоник - интервалли ёки аккордли диктант, ритмик диктант, оғзаки диктант ва х.к.)
8. Халқ ладлари устида ишлаш
9. Гармоник солфеджио – аккордар кетма-кетликлари устида ишлаш
10. Мажор ва минор лади асосий учтовушликлари
11. Мажор ва минордан биринчи даража ўхшаш тоналликларга модуляция қилиган мелодик ва гармоник мисоллар устида ишлаш.

**IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

"*Мусиқа элементлари назарияси*" курси:

1. Мусиқий тизим**.** Нота ёзуви тизими элементлари.
2. Ритм турлари. Метр турлари. Темп атамалари.
3. Мажор ва минорнинг гармоник ва мелодик турлари.
4. Оддий ва таркибли интерваллар. Интерваллар айланиши. Хроматик интерваллар.
5. Интервалларнинг энгармоник тенглиги

Лойиҳа

6. Табиий мажор ва минор интерваллари ва уларнинг ечилиши
7. Характерли интерваллар ва уларнинг ечилиши
8. Учтовушлик турлари ва унинг айланмалари.
9. Асосий ва ёндош ўчтовушликлар, уларнинг айланмалари. Аккордлар кетма-кетликлари.
10. Септаккордлар.
11. Аккордлар энгармоник тенглиги. Аккордлар кетма-кетликлари
12. Мажор ва минорнинг хроматик гаммалари
13. Куй тузилишининг тахлили. Мусиқа безаклари ва ижрочилик услублари.

"*Гармония*" курси

1. Тўрт овозли тузилма
2. Асосий учтовушликларнинг қўшилиши
3. Куй ва бас овозини гармониялаш
4. Терция сакрашлари.
5. Асосий учтовушликларнинг секстаккордлари
6. Каданс квартсекстаккорди
7. Ўткинчи ва ёрдамчи квартсекстаккордлар
8. Доминантсептаккорд
9. II поғона учтовушлиги ва унинг секстаккорди.
10. VI поғона учтовушлиги. Бўлинган каденция.
11. Доминанта гурухининг кам қўлланиладиган аккордлари.
12. Субдоминантсептаккорд
13. Етакчи септаккорлар
14. Қўш доминанта
15. Оғишма.
16. Модуляция.

"*Мусиқа асарлари тахлили*" курси

1. Мусиқа шакли асосий элементлари – куй, гармония, ритм
2. Шаклда қисмлар функсияси. Куй-мавзунинг баён турлари, куйнинг ривожлантириш тамойилари.
3. Даврия шакли.
4. Оддий икки қисмли шакл
5. Оддий уч қисмли шакл
6. Мураккаб уч қисмли шакл.
7. Вариацион шакл
8. Рондо шакли
9. Соната шакли.
10. Циклли шакллар
11. XVIII аср опера шакли.

| | |
|---|---|
| | 12.Мусиқий драма шакли.<br>“*Солфеджио*” курси:<br>1. Мажор ва минор ладлари.<br>2. Интерваллар – оддий, характерли, хроматик интервалар<br>3. Диатоник секвенсиялар.<br>4. Учтовшлик турлари ва уларнинг айланмалари.<br>5. Ладанинг асосий усн товшликлари ва уларнинг айланмалари<br>6. Ладнинг асосий септаккордлари.<br>7. Транспозиция<br>8. Бир овозлик<br>9. Икки овозлик<br>10. Ўз ўзига диктант ёзиш.<br>11. Халқ ладлари<br>12. Гармоник солфеджио<br>Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан нота дафтарида мусиқа элементларини тузиш ва куйлаш, куй ва бас овозларини гармониялаш, асарларни таҳлил килиш, уларни фортепианода чалиб тақдимот қилиш тавсия этилади. |
| **3.** | **V. Фан ўқитилишининг натижалари (шаклланадиган компетенциялар)**<br>Фанни ўзлаштириш натижасида талаба:<br>• мусиқий тизим, товуш, лад, тоналлик, интервал, аккорд, алтерация, хроматизм, модуляция, куй, халқ ладлари, турли хил мажор ва минор гаммалар, кварта-квинта доираси, интерваллар, аккордлар, транспозиция, тоналликлар поғонадошлиги, хроматизм, хроматик гамма, модуляция ва оғишма, мусиқа безаклари;<br>• гармониянинг асосий қонун қоидаларини, аккордларнинг ладдаги гармоник функцияларини, стилистик ҳусусиятларини билишлари, мусиқа асарларини гармоник таҳлил қилиш усуллари;<br>• мусиқий шаклнинг муҳим элементлари; мусиқанинг асосий ривожлантириш принциплари; шакл қисмларининг функциялари; баён этиш турлари ва ҳар бир шакл турининг тузилиш қонун-қоидалари;<br>• солфеджионинг амалий аҳамиятини тушуниш, бир ва икки овозли куйларни соф интонацияда куйлаш, мусиқий диктант ёзиш, мусиқа элементларини тинглаб аниқлаш, куйга аккомпанимент тузиш қонун-қоидалари ҳақида ***тасаввур ва билимга эга бўлиши***;<br>• мажор ва минорларнинг табиий, гармоник, мелодик гаммаларини, товушдан ва тоналликда интервалларни, аккордлар ечилишларини, ҳар хил товушлардан халқ мусиқа ладлари товушқаторларини, |

Лойиҳа

| | |
|---|---|
| | берилган тоналликда интерваллар ва аккордлар кетма-кетлигини, диатоник секвенсияларни, мажор ва минор хроматик гаммаларини ёзма равишда ва фортепианода тузиш;<br>• ўтилган аккордларни тўрт овозли тузилмада ҳар хил тоналликларда тузиш, аккордларни қўшишда овоз йўналиши қонун-қоидаларига амал қилиш, берилган куй ёки басни гармониялаш, берилган акордлар беллгиланишларига қараб аккордлар кетма-кетлигини тузиш ва фортепианода чалиш; оддий шаклдаги асарни ёки асар парчасини гармоник таҳлил қилиш;<br>• берилган мусиқий асарда шаклнинг тури, баён тури, ривожлантириш тамойилларини билиб, таҳлил қилинаётган асарда уларнинг аҳамиятини кўрсатиб, ҳар хил типдаги шаклларнинг ўзига хос хусусиятларини ажратиш; ҳар-бир асосий қисмни ва қисмларнинг бир-бирига умумий боғланишини таҳлил қилиши; мусиқий мавзулар таркиби, уларнинг бир хиллиги ёки қарама-қаршилиги, характери ва мазкур характерга эришиш воситаларидан фойдаланиш<br>• куйнинг айрим элементлари ўзаро мусобатлари, кўпинча халқ мусиқа ижодидан кенг ўрин олган лад-гармоник воситаларининг қонуниятлари, асарнинг ибора, жумла ва бошқа қисмларга бўлинишини хис этиш, турли ҳилдаги мажор ва минор гаммалар, интерваллар, аккордлар, халқ ладларини куйлаш ва тинглаб аниқлаш ***кўникмаларига эга бўлиши***;<br>• интерваллар, аккордлар, гаммалар тузиш; унча катта бўлмаган мусиқа асарларининг ладиؘ, тоналлиги аниқлаб, образлар характерини таҳлил қилиш;<br>• берилган куй ёки бас овозини гармониялаш; аккордлар кетма-кетликларини (цифровка) даврия шаклида чалиб бериш; оддий шаклдаги асарни ёки асар парчасини гармония жиҳатидан таҳлил қилиш; ҳар қандай шаклдаги асарни таҳлил қилиш;<br>• соф, маъноли, тўғри меъёрда, характерга мос, динамик белгиларга эътибор берган ҳолда бир, икки овозли халқ, классик ва замонавий йўлидаги асарлар намуналарини солфеджиолаш, уларни эшитиб туриб нотага солиш, даврия шаклидаги ўтилган аккордлардан тузилган кетма-кетликлар куйлаш; хроматик товушлари мавжуд бир тоналли ва модуляцияловчи бир овозли ҳамда гомофон-гармоник ва полифоник услубдаги кўп овозли намуналар куйлаш; интервал, аккорд, ладларни тинглаб аниқлаш; берилган куйни транспозиция қилиб куйлай олиш; бир ва икки овозли мелодик диктант, интервалли диктантлар ёзиш ***малакасига эга бўлиши керак.*** |
| **4.** | **VI. Таълим технологиялари ва методлари:** |

Лойиҳа

| | |
|---|---|
| | • маърузалар;<br>• интерфаол кейс-стадилар;<br>• гуруҳларда ишлаш;<br>• тақдимотларни қилиш;<br>• индивидуал лойиҳалар;<br>• жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар. |
| **5.** | **VII. Кредитларни олиш учун талаблар:**<br>Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни топшириш. |
| **6.** | **Асосий адабиётлар**<br>1. Urmanova L., Trigulova A., Ibrahimjanova G. Musiqa nazariyasi. – Toshkent, Nizomiy nomidagi TDPU, 2013.<br>2. Ibrohimjonova G.A., Yuldoshev U.Yu. Musiqa nazariyasi. – Adabiyot uchqunlari. 2018.<br>3. Mark Feezell. Music Theory Fundamentals. – High-Yield Music heory, vol.1. Copyright © 2011 All Rights Reserved.<br>4. Michael Pilhofer and Holly Day. “Music Theory for dummies”. – Indiana USA 2007 Wiley Publishing Inc.<br>5. Островский А.Л.,Соловьев С.Н., Шокин В.П. Сольфеджио. - М., «Музыка», 2013.<br>6. Ладухин Н.М. Одноголосное Сольфеджио. - М., «Музыка», 2005.<br>7. Двухголосное сольфеджио. Сост. Способин И. - М., «Музыка», 2009.<br>8. Иброҳимов О., Юнусов Р. Солфеджио дарслиги. Тошкент, «Мусиқа», 2004.<br>**Қўшимча адабиётлар**<br>9.Ш.М.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11<br>10.Ш.М.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олий жаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент “Ўзбекистон” – 2017й.<br>11..Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаравон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2016й. |

Лойиҳа

| | |
|---|---|
| | 12.Ш.М.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаравонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2016й.<br>13.“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”.Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 1-илова: “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 8 февраль сони ва Интернет ресурс: www.lex.uz.<br>14.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 46<br>15.Rahimov Q. Musiqaning elementar nazariyasi. (Ma’lumotnoma), Toshkent, “Musiqa”, 2007.<br>16.Rahimov Q. Musiqaning elementar nazariyasi bo‘yicha mashq va vazifalar to‘plami. Toshkent, “O‘zbekiston”, 2006.<br>9.Rahimov Q. Garmoniya bo‘yicha mashq va masalalar to‘plami. «Aloqachi», 2005.<br>17.Сами Азиз ўғли. Гармония. Т., «Ўзбекистон», 2002.<br>18.Ройтерштейн М.И. Основы теоретического музыкознания. М., «Академа», 2003.<br>19.Ibrohimov O., Yunusov R. Solfedjio darsligi. Toshkent, «Musiqa», 2004.<br>20.Azizov O. Solfedjio (ko‘p ovozli). Toshkent, «Musiqa», 2007.<br><br>**Ахборот манбалари**<br>21. www.tdpu.uz<br>22. www.pedagog.uz<br>23. www.ziyonet.uz<br>24. www.edu.uz<br>25. tdpu-intranet.Ped |
| **7.** | Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг<br>202__ йил “___”_________ даги ____ -сонли баённомаси билан маъқулланган.<br>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг<br>202__ йил “___” _____даги ______ - сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган. |
| **8.** | **Фан/модуль учун масъуллар:**<br>А.Х.Тригулова – Низомий номидаги ТДПУ, “Мусиқа таълими” |

| | |
|---|---|
| | кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди.<br>Г.А.Ибрахимжанова - Низомий номидаги ТДПУ, “Мусиқа таълими” кафедраси катта ўқитувчиси<br>У.Ю.Юлдошев - Низомий номидаги ТДПУ, “Мусиқа таълими” кафедраси ўқитувчиси |
| **9.** | **Тақризчилар:**<br>С.Д.Дўстов – БухДУ доценти, педагогика фанлари номзоди.<br>С.Б.Саидий – НавДПИ “Мусиқа таълими” кафедраси профессори, санъатшунослик фанлари номзоди, академик |

Лойиҳа